

**Маҳмуд аз-Замахшарий илмий меъросининг ижтимоий-гуманитар
фанларни ўқитишда фойдаланиш**

Хоразм воҳасида азалдан жаҳон фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган кўплаб алломалар етишиб чикқан. Айниқса, ўрта асрларда бу диёр илм-фаннинг турли соҳалари бўйича самарали ижод қилган Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон ал-Беруний, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Ибн Мискавайх, Абу Наср ал-Ироқ, Абу Сайхл Масихий, Абул Хайр ибн ал-Ҳаммор кабиларнинг донғи бутун Мағрибу Машрикқа тарқалган. Хоразм заминида таваллуд топган буюк алломалардан бири Абул Қосим Маҳмуд аз-Замахшарийдир. Унинг тўлиқ исми Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад (баъзи манбаларда Аҳмад) бўлиб, у ҳижрий 467-сана ражаб ойининг йигирма еттинчисида- чоршанба куни (милодий ҳисобда 1075 йилнинг 19 мартда) Хоразмнинг катта қишлоқларидан бири Замахшарда таваллуд топган. Шу боисдан ҳам аз-Замахшарий таҳаллусини олган. У Маккада яшаган пайтда искандариялик бир шогирди, “Ал-Ақд ас-самийн фи таърих ал-балад ал-амийн” номли тарихий асарнинг муаллифи Шаҳобуддин Аҳмад ибн ал-Ҳусний ал-Моликийга йўллаган мактубида ўзи ҳақида “Мен Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хоразмийман, кейин аз-Замахшарийман. Хоразмнинг бир қишлоғига (Замахшарга) мансубман. Замахшар тўғилган юртимдир”, -деб ёзган.

Тарихий манбаларда кўрсатилишича, Маҳмуд аз-Замахшарий аввал ўз юрти Хоразмда, ундан кейин Бухорода таҳсил кўрган. Кўпгина хорижий элларга, жумладан, Марв, Нишопур, Дамашқ, Боғдод, Макка ва Ҳижозга сафар қилган. У тилшунослик, луғатшунослик, адабиёт, жўғрофия, тафсир, ҳадис, фикҳ илмларида элликдан ортиқ йирик асарлар яратган бўлиб, уларнинг аксар қисми бизгача етиб келган. Аз-Замахшарий 1144 йилда Хоразмда вафот этган.

Аз-Замахшарий ҳақидаги маълумотлар асосан ўрта аср араб манбаларида, қисман маълумотлар эса олимнинг асарларида келтирилган. Унинг ҳаёти, фаолиятини ёритишда ибн Холликон (“Вафоёт ал-Аъён”), Ибн ал-Анбарий (“Нузҳат ал-алиббо фи табоқот ил-удабо”), Ёкут ал-Ҳамавий (“Муъжам ул-удабо”), Ал-Йофиъий (“Миръот ал-Жинон”), Ибн ал-Жавзий (“Ал-Мунтазам”), Жалодуддин ас-Суютий (“Бугъйот ал-вуот”), Ибн ал-Қифтий (“Инбаҳ ар-рувот”) ва бошқа араб муаллифларнинг асарлари асосий манбалар жумласидандир. Шу муаллифлар келтирган далилдий маълумотларни умумлаштирган ҳолда аз-Замахшарийнинг оиласи, унинг ёшлик йиллари ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Буюк мутафаккир аз-Замахшарий биз авлодларга бой ва улкан меърос қолдирган. У тилшунослик, луғатшунослик, адабиёт, аруз, жўғрофия, тафсир, фикҳ ва илм-ал қироатга ойда олтмишга яқин асар яратган бўлиб, бахтимизга уларнинг аксарияти бизгача етиб келган.

Дарҳақиқат, ўз билим тафаккурининг чуқурлиги ва ноёб истеъдодининг кенг қамровлиги туфайли аз-Замахшарий ўз даврида “устоз ул-араб ва-л-

ажам”(“араблар ва ғайри араблар устози”), “Фахру-л-Хваразм”(“Хоразм фаҳри”), Маккада ўзоқ вақт яшаганлиги учун Жоруллоҳ (“Аллоҳнинг кўшниси”) каби шарафли номларга сазовор бўлган эди. Ҳинд Хусайн Тоҳо таъкидлаганидек, у ўз юрти Хоразмда бўлса ҳам ёки ўзи зиёрат қилган Шарқнинг кўплаб шаҳарларида ҳам доимо машҳур олимлар шоир ва адиблар даврасида булар, улар билан қизгин илмий баҳслар, мунозараларда иштирок қилардию илм аҳллари унинг фикрига қўлоқ солар эдилар. Манашу улкан обрў-эътибор ва буюк даҳо эътимол унга ўз асарларидан бирида “ва инний фи Хоразм каабат ул-адаб” “ростданҳам мен Хоразмда адиблар учун (бир) Каъбаман” деб ёзишга асос бўлган бўлса керак. Тарихий сарларда айтилишича, аз-Замахшарий илмий асарлар яратиш ва етук шоирдлар етиштиришни ҳамма нарсадан, ҳатто фарзанд кўришдан ҳам юқори қўйган. Илм-фан йўлида ўзини фидо қилишликни аз-Замахшарий ҳар қандай ҳирсиятдан юқори қўйяди. Шу боисдан ҳам у “Навобуғ ул-калим” (“Нозик иборалар”) номли бошқа бир асарида “Котиб хати билан қоғозни қоралаш яъни ёзиш соҳибжамолни яноғини (бўса билан қизартиришдан кўра ҳам ёқимли), деб илм-фанга бўлган ўз муносабатини алоҳида таъкидлайди.

Аз-Замахшарийнинг ўз давридан ҳозирги кунгача ҳам кадр-қимматини йўқотмасдан илмий аҳамиятини юқотмаган “Рабийъ ул-аброр ва нусус ул-ахбор (Эзгуликлар баҳори ва хабарлар изҳори (баёни)) асари муҳим аҳамиятга эгадир. Қўйида ушбу асардан қилинган таржимани эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Махмуд аз-Замахшарийнинг илмий-маънавий меъросида унинг “Рабийъ ул-аброр ва нусус ул-ахбор” (“Эзгуликлар баҳори ва хабарлар изҳори (баёни)”) энг муҳим асарларидан бири ҳисобланади. Ҳажм жиҳатидан жуда катта бўлган бу асарда илм-фаннинг турли масалалари билан бир қаторда одоб-ахлоқ ва тарбиявий ҳарактерга эга бўлган қимматли маълумотлар ўрин олган.

Муалиф бу асарини ҳижрий 528(милодий 1134) йилда Маккаи мукарамада Қуръони карим тафсирига баағишланган “ал-Кашшоф” номли асарини ёзиб тугатгандан кейин ёзган. Асар таркибий жиҳатдан 92(тўқсон икки) бобдан иборат. Асар баёнида муаллиф ҳар-бир бобда келтирилаётган мавзунинг мазмун моҳиятидан келиб чиқиб пайҳамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадисларидан, шунингдек саҳобалар ва табиъийлар сўзларидан, араб ва ажам диёрларидан етишиб чиққан буюк алломалар ва мутафаккирлар, анбиёлар (Бани Исроил набийларидан) келтиради, ҳар бир бобнинг охириги қисмларида айтиш шу мавзу маъносига дахилдор ўзининг ва бошқа муаллифлар шеърларидан ҳам келтиради. Бу асарда келтирилган кўпдан-кўп муҳим маълумотлар аз-Замахшарий ҳазратларининг араб ва бошқа халқлар (айниқса шарқ халқлари)нинг маданияти, маънавияти ва ахлоқий тўрмуш тарзининг нақадар чуқур ва мукаммал билганлигидан унинг бу йўналишидаги дунёқараши ва тафаккур олами ғоятда кенг ва тўла бўлганлигидан далолат беради.

Китобнинг (Асарнинг) номи ҳақида: Ўрта асрларда яшаб фаолият кўрсатган кўп олимлар аз-Замахшарийнинг ушбу асарини “Рабийъ ул-аброр ва нусус ул-ахбор” деб ёзган бўлсаларда, баъзи муаллифлар эса бироз бошқача

номда зикр қилганлар. Жумладан, машҳур араб географи олими Ёқут ал-Ҳамавий (1179-1229) ўзининг “Иршод ул-арабий” номли асарида (7 жилд, 151бет) уни “Рабий ул-аброр фи-л-адаб ва-л-муҳадорот” (“Одоб-ахлоқ ва маърузаларда эзгуликлар баҳори”) деб бир қадар бошқача ном билан атаган. Таниқли немис шарқшуноси Карл Бранкеълман “Араб адабиёти шарҳи” номли машҳур асари биринчи жилди (1жилд, 289 бет) да асарни қисқача “Рабий ул-аброр” деб ёзиб, ўз асарига (кейинчалик) ёзган “Қўшимча”сида (1жилд, 512 бет)асар номини “Рабий ул-аброр фиймо йасирру-л-хавотир ва-л-афкор” (“Зехнлар (хотирлар) ва фикр мулоҳазаларга сурур (хурсандчилик) берадиган, бағишлайдиган эзгуликлар баҳори”) деб атаган.

Хажм жихатидан жуда катта бўлган ва баъзи ҳолларда ибораларни идрок этиб чуқур англаш мураккаблик туғдирганидан аз-Замахшарийдан сўнг ўтган баъзи муаллифлар бу асарни қисқартириб, соддалаштириб, уни мухтасар ҳолга келтирганлар. Шулар жумласидан Мавлона Муҳиддин ибн ал-Хатийиб Қосим ибн Якуб (У 940/1534 йилда вафот этган) аз-Замахшарийнинг ушбу асарини мухтасар ҳолга келтириб, унинг ғоятда фойдали ўринларини олиб, “Равзу-л-ахбор ал-мунтахаб мин Рабийъу-л-аброр” (“Рабий-ул-аброр ” дан танлаб (саралаб) олинган хабарлар чаманзори) деб номлаб, 92(туқсон икки) бобдан иборат бўлган асар аслини “50(эллик) чаманзор” (равза)га келтириб қисқартирган. Бундан ташқари асарнинг бошқа қисқартирилган нусхаларини ҳам кўриш мумкин. Жумладан Туркиянинг Станбул шаҳридаги ОЯ Сўфия номли кутибхонасида 4331 рақами остида сақланаётган бир қўлёзма “Нузҳату-л-мустаънис ва нузҳату-л-муктабис” (“Сурурга интиланлар ороми ва талабгорлар учун (қулай) фурсат”) номи билан аталган ва у “Робийъ ул-аброр” нинг қисқартирилган мухтасар нусхасидир. Шунингдек Ҳиндистон (Дехлидаги) Худабахш кутибхонасида сақланадиган 2607 рақами остидаги қўлёзма “Нафаҳату азҳор Рабийъул аброр” (“Рабийъ ул-абрордаги гуллар хушбўйликлари”) деб аталиб, у ҳам аз-Замахшарийнинг “Рабийъ ул-аброр” асарининг соддалаштирилган нусхаси ҳисобланади.

“Рабий ул-аброр”нинг тўрт жилддан иборат бўлган қўлёзма нусхаси Боғдоддаги (Ироқ) “Мактабат ул-авқор” кутибхонасида (386,387,388,389 рақамлари остида) сақланади. Асарнинг қўлёзма нусхалари Лейден, Берлин, Станбул, Лейпцик, Париж, Лондон, Манчестир, Брилл, Фаас, Машҳад, Ромбур, Бухоро(рақами 7/416) каби шаҳарлардаги кутибхоналарда сақланади. Мана шу қўлёзмалар ичида Боғдоддаги (Мактабат ул-авқор) қўлёма қимматли ва муҳим ҳисобланади. Бу қўлёма ҳижрий 634(милодий1238) йилда яъни муаллиф аз-Замахшарий вафотидан (1144 йилда) 94 йил ўтгандан кейин чиройли насх хатида кўчирилган бўлиб, асарнинг тўлиқ ва мукаммал нусхаси ҳисобланади. Асарни Ироқлик олим доктор Салим ан-Наиймий томонидан тайёрланган (афсуски йили кўрсатилмаган) танқидий нашри ҳам асосан мазкур (Боғдоддаги) шунингдек Станбулдаги (ОЯ Суфияда) ва Париж нусхаларига асосланган. Айтиш жоизки, тадқиқотчи доктор Салим ан-Наиймий тўрт жилдлик бу танқидий нашр жуда катта меҳнат самарасида вужудга келган. Ҳажим жихатидан жуда катта бўлган (масалан тадқиқотчининг биринчи жилди 879 саҳифадан иборат) бу ишда тадқиқотчи жуда кенг куламдаги муҳим изохлар ва

шарҳларни амалга оширганки, бу зарурий қисмлар аз-Замахшарий ҳазратларининг бундан қарийиб тукқиз аср муқаддам яратилган бу қимматли асарини тўлиқ идрок этиб, чуқур англашимизда беқиёс аҳамиятга эгадир. Аломанинг айниқса, ҳар қандай ҷамият, ҳар қандай давр учун ҳам ғоятда муҳим ва долзарб бўлган одоб-ахлоқ, чин инсоний қадриятлар ва фазилатлар, ҳуқ-атворга оид ўғитлар ва насихотомуз фикр-мулоҳазаларни ҳозирги давримиз учун ғоятда муҳим аҳамият касб этади. Бу қимматбаҳо маълумотлар ҷамиятимиз учун зарур бўлган ҳар томонлама барқомол авлодни, комил инсонни тарбиялашда айниқса зарурлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ҳикматлар ва донишмандларнинг инсон маънавий камолатидаги, ижтимоий ҳаётдаги юксак ўрни ҳақида муқаддас манбалардан (Қуръони карим, пайҳамбар ҳадисларидан) Қуръонда зикр қилинган пайҳамбарлар, буюк сиймолар айтиб кетган ҳикматли иборалар, таъкидларда кўп ўринларда келтирилади. Бу ҳикматлар аксар ҳолларда насрий шакилда бўлсада, кўп шакилларда назмий (шеърий) қитъалардан ҳам кенг фойдаланилган. Исломгача ўтган ижод аҳли илк исломдаги шоирлар (дунёга машҳур шоирлар уларнинг кўпи)нинг назмий меросларидан зикр келтирилган. Муаллиф (Маҳмуд аз-Замахшарий) “Рабийъ ул-аброр” асарига ёзган муқаддимасида булар ҳақида батафсил тўхталиб, асарда келтирилган ҳикматларнинг инсон ҳақида, ҷамият тарақиётида алоҳида ўрин эгаллаши билан бир қаторда бу ҳикматлар инсон зериккан, ҳар хил сабабларга кўра тушкун (ёки кайфияти ёмонлашган) пайтларда инсонга эстетик завқ бериб, уни ҳаётга қизиқишини, маънавий-маърифий савияси ва салоҳият даражаси ошишини, ижтимоий фаоллиги кучайтирилишида муайян роль ўйнашини алоҳида таъкидлайди. Асар бутун мазмун моҳияти билан ҳар томонлама тараққий қилган, ривожланган ҷамият қуришда холис, беғараз хизмат қиладиган маънавий комил инсонларни тарбиялашда беқиёс уринга эғалиги билан ажиралиб туради. Асарда фойдаланилган кўпдан-кўп ва хилма-хил йуналишдаги манбалар, даврий жиҳатдан жуда кўп замонларга мансуб муаллифлардан жуда катта маҳорат ва юксак дид фойдаланилганини, булар ҳаммаси Маҳмуд аз-Замахшарий ҳазратларининг билим ва тафаккур дунёси ғоятда кенг ва ғоят юқори даражада бўлганлигига ёрқин далил бўла олади. Халқ орасида кенг тарқалган ҳаётий ҳикматлар, мақол ва нақиллардан ҳам талай ўринларда келтирилгани, бу ҳолат азалдан қадим Шарқда умум халқ даҳоси ва тафаккур ғоясида кенг ва уларнинг дунёқараши жуда балан, юксак бўлганлигини кўрсатади. Масалан асарнинг 1-жилди 43-бобида келтирилган ва ўша даврда халқ орасида кенг тарқалган ҳикматлардан бирини келтирамиз. Халқ бир донишманддан шундай саволни сўрайди: Йилнинг қайси фасли яхши (афзал), деб сураганда: Баҳор, куз (кўриш учун, завқланиш учун). Куз оғиз учун (чунки кузда мева-чевалар пишган пайтида яхши) деб жавоб берган экан.

- Юнон файласуфи Арасту: “Ҳаётдан кизб (ёлғон) билан яшагандан кўра, ҳақиқат (сидқ) билан вафот этган яхши”.

- Араб олими Ибн **Уйайна**: “Инсон зоти учун энг улуғ неъмат – соғлиқ-саломатликда, хотиржамлик ва хуш вақтликда узоқ умир куришдир”¹.

- Лукмон ал-Ҳаким: “Отанинг болага танбеҳи (матинда “уриши” деб берилган) экинзорга солинган ўғит кабидир деган ҳикмати келтирилган”².

“Рабий ул-аброр”да келтирилган фикр-мулоҳазаларнинг ровийлари (авторлари) жумласидан турт халифа (Абу Бакр, Умар, Усмон, Али ибн Абу Толиб), машхур саҳобалар, тобеъийнлар ва машхур фақиҳ олимларини учратиш мумкин. Улардан айримларини келтирамиз: ан-Нуъмон ибн ал-Марзубон. У ҳанафий маҳзҳабининг асосчиси Абу Ҳанифанинг бобоси (жаддуху) шарҳ ва изоҳларда тадқиқотчи, уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида муҳим маълумотлар келтиради³. **Суфён ас-Саврий** ҳадис илмининг буюк алломаларидан бўлган (93 ҳижрийда туғилган 161 ҳижрийда вафот этган). Шу билан бирга Исо алайҳиссалом айтган ҳикматлардан ҳам кўп келтирилади.

Абу Бакр ал-Хоразмийдан фикрлар келтирилган (323 ҳижрийда туҳилган 383 ҳижрийда вафот этган).

Жумлалар орасида қадимда бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисаларга оид ишоратлар ва хабарлар келтирилади, бу эса Махмуд аз-Замахшарийнинг илм ва салоҳияти нақадар чуқур ва мукаммал бўлганлигини кўрсатади. Бундан келиб чиқадики аз-Замахшарий ҳазратлари нафақат ислом дини тарихини, балки ислом динигача бўлган воқеалар, ўша узоқ даврларга ҳос бўлган, фаолият кўрсатган ҳукумдорлар, ўша даврда яшаган олимлар ва мутафаккирларнинг ҳаёти, уларнинг илмий ва маънавий мерослари айниқса одоб-ахлоққа, тарбиявий масалаларга оид фикрлари, ғоялари билан ҳам яхши таниш бўлган, улардан унумли ва ўз ўрнида самарали фойдаланилган. Асар билан танишар экансиз, бу асарда шу қадар кўп сонли олиму-уламолар, мутафаккирлар, донишмандларнинг ғоятда (ўша даврда) кўп бўлганлигидан ҳайратда қоласиз. Қанчалик даҳога ва илмга чанқоқликка эга бўлган аз-Замахшарийнинг бу ибратли фаолияти биз авлодларга қолдириб кетган буюк ва бой илмий маънавий мероснинг аҳамияти беқиёс эканлигига комил ишонч ҳосил қиламиз.

99-боб. Осмон (само) ва юлдузлар (кавокиб), арши аъло ва курсий (тахт, трон) ҳақида.

101-боб. Машхур мусалламатлар муаллифи Имрул Қайсдан назмий лавҳалар (ибратли) келтирилган.

108-боб. Яна бир жиҳати эътиборга молиқки, Махмуд аз-Замахшарий бу асарида (яъни “Рабий ул-аброр”да) ўзининг бошқа бир асари “Навобиг ул-Калим” (“Нозик иборалар”)да келтирган одоб-ахлоққа оид ҳикматларидан ҳам айримларини намуна сифатида келтириб ўтади. Бундан маълум бўладики, “Рабий ул-аброр” “Навобиг ул-Калимдан” кейин яратилган. Шунингдек айтиш мумкин, шу (108) бетда муаллиф ўзининг яна бошқа бир асари “Ал-Носоих ас-сиғар” (“Кичик насихатлар”) номли асаридан ҳам айрим ибратли ҳикматлар келтиради.

¹ Махмуд аз-Замахшарий “Рабий ул-аброр”. 1-жилд 613-бет.

² Махмуд аз-Замахшарий “Рабий ул-аброр”. 2-жилд 501-бет.

³ Махмуд аз-Замахшарий “Рабий ул-аброр”. 1-жилд 56-бет.

129-боб. Булутлар, ёмғир, қор, момоқалдирок, яшин ва буларга боғлиқ ёмғир сўраб дуолар қилиш ва б ошқаларга оид боб.

132-133-боб. Анас Ибн Моликдан қилинган ривоятга кўра Расулллох дуоси билан Мадинада бир ҳафта тўхтамасдан ёмғир ёғади, дуо билан тўхтатилади (Ёмғир жуда қаттиқ, худди мешдан куйгандай сел бўлиб ёғди).

140-боб. Сомонийлар даврида фаолият кўрсатган машхур шоир ва адиб Абул Фатҳ ал-Бустий (вафоти ҳижрий 400 йилга тўғри келади). У Хуросонда фаолият олиб борган. Асарда унинг ижодидан наъмуналар келтирилган.

153-боб. Ҳаво (атмосфера) шамолнинг ғир-ғир эсиши (насим), иссиқлик (ҳарорат), совуқлик ва соя ҳақидаги боб.

168-боб. Олов ва унинг турли хиллари; шам ва ҳокозалар ҳақида боб.

196-боб. Ер, тоғлар, тошлар, қумлоқ(тошлар)лар, ердан чиқадиган жавоҳирлар ҳақидаги боб.

198-боб. Шиҳоб аз-Зухрий келтирган: У Пайғамбар (с.а.в) ҳадисларини биринчи бўлиб, ёзма қайд (тадвин) қилган таъбийлардан бўлиб, у Қуръон ҳафизини ва фақиҳ олим эди. У Мадинада 124 ҳижрий санада вафот этган.

219-боб. Ер, денгиз, дарёлар, водийлар, булоқлар, қудуқлар ҳақида.

247-боб. Дарахт, наботот, мева-чевалар, боғу бўстонлар ва жаннат зикри ҳақида.

249-боб. Дунёнинг жанатлари тўртта: Дамашқнинг ал-Ғувта воҳаси, Ал-Аблат дараси, Бавон тоғ дараси, Самарқанд суғди.

Абу Бакр ал-Хоразмий деган: ҳаммаси (туртаси)ни ҳам кўрдим, лекин Дамашқ ал-Ғувтаси қолган учаласидан афзал (яхши) экан. У (Ал-Ғувта) бамисоли ер юзи устига (тасвирланган) жанат мисолидир.

261-боб. Буюк саҳобалардан Талха Ибн Убайдуллох (ал-ашари ал-мубашшара тириклигида жаннати деб, Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в) томонидан) эътироф этилган ўнта саҳобанинг биттаси бўлиб, ундан ҳам ривоят қилинган.

277-боб. Аббосий халифалардан бири Абдуллох Маъмун Ибн Рашид Хоразмдан Марвга (пойтахт бўлган ўша даврда) тарвузнинг **бозинж** деган бир навини олиб келтириб, ейишни ёқтирар экан. Сунгра Марвда ана шу тарвузни экиб ўстириш учун туяларда Хоразм тупроғидан Марвга келтирди. Жайхун (Амударёдан) сув ҳам келтириб, ўша тарвуздан эқтирди. Бироқ унақа (Хоразмдагидек) натижа ололмади. Шунда у (Ал-Маъмун) тушундики, Хоразмнинг об-ҳавоси ҳам бўлиши керак экан (ҳавоси етишмайди деди).